



ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2012 йил
4 апрель
ЧОРШАМБА
№ 26
(12.454)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БУГУННИНГ ГАПИ



Пахта етиштирувчи фермерларнинг куни тудди. Вилоятнинг саккизта туманида чигит экиш оммасий бошлаб юборилди. Бундан аввал ўтказилган синов машғулотлари шуни кўрсатдики, тупроқда намлик етарли, ҳарорат ҳам сифатли тайёр-

ланган уруғлик чигит ерга тушиши билан тез амал олиб, текис ушиб чиқиши учун мувофиқ даражага кўтарилди. Ҳозирги ёгин-сочини қўлдан қўриқиб, ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб қолган фермер ҳар жиҳатдан ютади.

ЮЗ ФОИЗ ҚЎШҚАТОР

Биринчидан, уруғликни ернинг табиий намига тўлиқ ундириб олиб, чигит суви бериш таъминидан қўтулади. Иккинчидан, гектарларда кўчат бут ва бир текис бўлади. Қолаверса, вақтдан ҳам ютиб, эртаки ҳосил етиштирилади, барвақт териб, топирилган пахта юқори навларга қабул қилиниб, даромад ҳам салмоқли бўлади. Ани кунларда Пискент тумани далаларида иш қизгин. Пахта учун ажратилган

9185 гектар майдонда 102 та махсус сеялка юқори унум билан ишлатилапти. 254 та фермер хўжалиги билан шартнома тузилган. Жумладан, "Шодибек файз" фермер хўжалиги 60 гектар майдондан 32 центнердан хирмон кўтариб, давлат эҳтиёжлари учун 192 тонна пахта топириш юзасидан шартнома имзолаган. — Утган йилги мавсумни 64 миллион 448 минг сўм соф фойда билан аяқулла-

ган эдик, — дейди фермер Юсуфжон Шодиматов. — Йигирма кишидан иборат жамоамизнинг даромади чакки бўлмади. Имкониятдан фойдаланиб, лизинг йўли билан сеялка олди. Ҳозир шу иш берапти. Кунига 10-12 гектар ерга чигит қадамли. Мақсадимиз — 8 апрелгача экишни яқуллаш. Чунки, ҳафталик об-ҳаво маълумотига қараганда, шу оралиқда ёгингарчилик бўлмаг экан. Биз ўтган йил тажриба-

сидан хулоса чиқариб, пахта учун ажратилган 60 гектар ернинг ҳаммасига чигитни қўшқаторлаб экаямиз. Хуллас, чигитни барвақт экиб, ернинг табиий намига ундириб олиб, эртаки ҳосил етиштириш учун бор имкониятларни ишга солаямиз. СУРАТДА: фермер Юсуфжон Шодиматов (ўртада) ишчилар билан. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ТОМОРҚА - ТУГАНМАС ХАЗИНА

БИР ҚАРИЧ ҲАМ БҮШ ЕР ҚОЛМАЙДИ

Кейинги йилларда хонадонларнинг томорқаларидан олиши ис-так ва ҳаракати кенг қўлоқ бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки, томорқа — турли экинлар экиб, бозор суя-диган сархил ҳосил етиштириб со-тиб, рўзгорни тўкин-сочин

қилишнинг беминнат манбаи. Ҳозир ҳовлисида кичик иссиқхона-лар қуриб ёки баланд ёй ша-клидаги плёнка остида турли саб-завот ва ҳар хил экан кўчатла-рини етиштириб, ҳам маҳалла, ҳам қишлоқ аҳлининг эҳтиёжини қондириётганлар қанча.

Вилоятда 416 минг 477 та хонадон бор. Уларга берилган томорқа ерлари 13 минг 882,4 гектар. Шундан 7122 гектары мевали боғ, унинг 6885 гектари ҳосилга кирган. 5235 гектар тоқорнинг 4886 гектари ҳосил берапти. Бу йил томорқа ерлари-дан янада самарали фойда-ланиб, камарида 2-3 марта ҳосил олишни исчи ва тартибли ташкил этиш мақса-дида аҳолининг шахсий ва дала томорқаларига талаб этилаётган миқдорда уруғ-лик ва кўчат етказиб бериш ва эҳтиёжмандларга имтиёз-ли кредит ажратиш юзаси-дан алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Унга кўра, вилоятда етишти-рилаётган мев ва сабза-вот маҳсулотларининг асосий қисми оилаларнинг то-морқаларидан чиқади. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман тижорат банклари аҳолига уруғлик, кўчат ва меҳнат қуролларини сотиш, аниқроғи, уларни уйлари-га етказиб бериш мақсадида 35 та "ДАМАС" русумли ав-томашина ажратди. Бутун вилоятда бўлгани-дек, Охангарон туманида

ҳам дастур ижроси тўғри ташкил этилиб, мониторинг кузатуви ҳам йўлга қўйил-ган. Хонадонларга қўмақла-шувчи 19 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, "Ма-ҳалла" хайрия жамоат фон-ди хонасида туман штаби ташкил этилган. 2012 йил-га мўлжалланган туман да-стурини давлат қўмақида та-шқил қилинган. 163 хонадонга қарашли 1578 (шаҳарда 182) гектар томор-қанинг 877,1 гектарига саб-завот, 127 гектарига кар-тошка, 29 гектарига полиз, 5451 гектарига озуқа экин-лари экиш режалаштирил-ган. Ҳозиргача 6515 хонадон-га 2230 килограмм сабза-вот, 198 килограмм полиз экинлари уруғ ва кўчатлари етказиб берилди. Қолган хонадон эгалари туманда ташкил этилган бешта мах-сус дўкандан харид қилиб, ёки ўзлари етиштириб эк-моқдалар. Республика "Агробанк" акциядорлик тижорат бан-киннинг туман бўлими уруғ-лик ва кўчатларни махсус ажратилган "Дамас"ларда етказиб беришдан ташқари молиявий ёрдамга муҳтож оилаларга энг қимматли иш

(Давоми 3-бетда).

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралар спорт коллежида кураш бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 500 нафардан зиёд спортчи 15 вазн тоифасида қатнашди. Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ёш авлодни раҳнамолига ёш авлодга етказиш мақсадида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор ўзининг юксак самараларини бермоқ-да. Миллий кадрларимизни эъзоллаш, ота-боболари-миздан мерос азалий анъана-ларни асраб-авайлаш бораси-да салмоқли ишларнинг амал-га оширилиши натижасида миллий курашимиз бугун жа-ҳон миқёсидда оммалашмоқ-да. Якуний натижаларга кўра, бухоролик Р. Жумаев, Ф. Ди-зов, қашқадарёлик А. Абду-лаев, Ж. Шерназаров, Тошкент шаҳри вакиллари М. Қаюмов, Х. Назаров, Д. Махмашаев ўз вази тоифалари бўйича голиб-ликни қўлга киритди. ҲА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Исрол Каримов бошқарди. Унда куйидаги масалалар муҳокама қилинди: жорий ишларнинг таҳлили, Ўзбекистон ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлар, шунингдек, бу таҳдидларни бартараф этиш чора-тадбирлари. Йиғилишда ҳукумат ва тегишли идоралар раҳбарлари иштирок этди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг вакиллик, ҳокимият ва бошқа бошқарув-ҳўжалик идоралари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатларида муно-сиб иштирокини таъминлаш, қобилият ҳамда истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун имкони-ятлар доирасини кенгайтириш Мустаҳкам оила йилида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Хотин-қизлар тадбиркорлиги ва оилавий бизнесини қўллаб-қувватлаш, фермер аёллар маффаатларини ҳимоя қилиш, улар учун янги имкониятлар яратиш "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг устувор вазифаларидан, — деди Оққўрғон туманида ташкил этилган "Оилавий тадбиркорлик — кут-баракага очилган эшик" мавзусидаги се-

(Давоми 2-бетда).



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Вилоятимиз тадбиркору-лари олис ва яқин хоржий мамлакатларнинг янги тех-ника ва технологиялар иш-лаб чиқарувчи компанияла-ри, амалонай қувватларни барпо этиш лойиҳаларига сармоя киритиш салоҳияти-га эга катта ишбилармонла-рини билан бевосита алоқа-ларини тобора кенгайтириб боришапти. Шу тариқа Давлатимиз раҳбарининг "Рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш биринчи навбатда иқтисо-дий таъминотни ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгарти-риш ва диверсификация қилиш чучураштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

К. ТИЛАВБАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ САНОАТ, ТАДБИРКОРЛИК, КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, КОММУНИКАЦИЯЛАР ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА БИРИНЧИ ҲАВАЛАСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 21-моддасига му-вофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН: Тошкент вилояти ҳокимининг санаот, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжа-лик масалалари бўйича биринчи Ҳаваласари лавози-мига Тилавбаев Карим Тухтасинович 2012 йил 27 мартдан тайинлансин. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кен-гашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун кири-тилсин.

Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ. Тошкент шаҳри, 2012 йил 27 март.

ТИЛАВБАЕВ КАРИМ ТУХТАСИНОВИЧ



тутини муҳандис-иқтисодчи мутахассислиги бўйича би-тиргач, "Ўзметкомбинат"да қурилиш-монтаж трести ишлаб чиқариш-техника бўлими муҳандиси вазифа-сида меҳнат фаолиятини бошлади. 1996-2009 йил-ларда "Ўзметкомбинат" қурилиш-монтаж трести му-ҳандис-иқтисодчиси, корхона капитал қурилиш бош-қармаси режа-иқтисод ва шартнома бюроси, режа-иқтисод ва смета шартно-маси бўлим бошлиги вази-фаларида ишлади. 2009-2010 йиллари — Бекобод шаҳар ҳокимининг иқтисо-дий ва ижтимоий ривож-лантириш масалалари бўйи-ча ўринбосари вазифасида фаолият юритди. 2010-2012 йилларида "Ўзметкомбинат" директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбоса-ри бўлиб ишлаб келди. Партияси.

"Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамоати бош директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбоса-ри вазифасида ишлаб кел-ган Карим Тухтасинович Тилавбаев Тошкент вилоя-ти ҳокимининг санаот, тад-биркорлик, капитал қури-лиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масала-лари бўйича биринчи ўрин-босари вазифасига тайин-ланди. Карим Тилавбаев 1973 йили Бекобод туманида ту-ғилган. 1995 йили Тошкент архитектура-қурилиш инсти-



га оширди. Вилоятимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот-лар бугун асосий қўмақла-римиз Хитой, Эрон, Туркия, Буюк Британия, Германия, Польша, АКШ, Италия, Япо-ния, Россия Федерацияси, Украина бозорларига кириб бормоқда. (Давоми 2-бетда).

ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Ўртадошларимиз жамоат автотранспорти кўрсатаётган хизматлар ҳақида SMS орқали маълумот олиш имконига эга бўлди. Лицензия асосида қонуний фаолият юритаётган транспорт воситалари нис-батан хавфсиз, уларнинг хизматидан фойдаланиш ҳар жиҳатдан мақбул. Аммо бизга хизмат кўрсатаётган жа-моат транспорти воситасининг лицен-зияси бор ёки йўқлигини қандай аниқ-лаш мумкин? ҲА. Агар сиз юрган хабарга агентлик маълумотлар базасидан рад жавоби келса, демак, ушбу транспорт восита-си муқабилдаги фаолият кўрсата-ётган бўлади. Бу эса шу автотран-спорт воситасининг қуллик техник қурк-дан, хайдовчининг эса тиббий қурк-дан ўтганига қарай йўқ, деганидир. Мазкур янги интерфаол хизматни жорий этиш мақсадида агентлик мута-хассислари лицензияланган транспорт

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва Марказий банкнинг вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этган машғулот иштирокчилари янги қабул қилинаётган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун ва моҳияти, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш йўли...



ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Бугун Оққўрғон туманида фаолият кўрсатаётган ўн бир тадбиркор аёлга Халқ банки билан "Агробанк"нинг 12, "Микрокредитбанк"нинг 3 фоизли кредитларини олиш ҳуку...

қини берувчи сертификатлар топирилди, - деди Марказий банк вилоят бўлими кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Улуғбек Азимбердиев. - Бу сертификатлар оилавий тадбиркорликни...

кенгайтириш билан бирга тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури муваффақиятли бажарилишига ҳам кучли туртки беради. Укув-машғулот иштирокчилари микроолиявий хизматлар кўрсатиш бўйи...

ча услубий қўлланма, оилавий тадбиркорлар ва унарамандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва хизмат турлари кўрсатмалари билан таништиришди. Жўрабек МУРОДОВ, Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

Худудий экспортдаги ўзгаришлар ҳақида гапириб берсангиз. Сўнги бир йилда вилоят сарматурфидаги худудий экспортчи корхоналаримиз 678,8 миллион доллардан зиёд товар ва хизматлар экспорт қилди, ўсиш бир йилда 2,5 баробар ортди. Бу, албатта, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турганларда қувватларни модернизациялаш, янги техника ва замонавий технологияларни белгиланган муддатларда ишта туриши самарасидир. Ангрэн шаҳридаги "Акорд текстил", Зангиота туманидаги "Ҳадинабуна Барака", Оққўрғон туманидаги "Бахтияр Бехруз Агро", Охангарон туманидаги "Термо Дом", Урта Чирчиқ туманидаги "Супер Рол", Юқори Чирчиқ туманидаги "Алиф Гранд Корпорейшн" каби янги корхоналар тайёр маҳсулот экспорти билан шуғуллана бошладилар. Умуман, 20 дан ортиқ янги қувватлар ҳисобига экспорт маҳсулотлари тури кўпайди. Бугун 150 дан зиёд худудий корхона жон бозорига ўз товар ва хизматлари билан чиқаяпти.

ят иқтисодиётидаги ўрни, салмоғи қандай ўзгараётган? Албатта, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари га хорийий инвестицияларни жалб этиш иқтисодиётни замонавий асосларда юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис хорийий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилаёпти. Сўнги бир йилда худудий инвестиция дастури доира-сида 127,2 миллион доллардан зиёд сармоя ўлаштирилди, унинг 52,5 фоизи тўғридан-тўғри хорийий ин-вестиция ва кредитлардир. Енгил саноат, озик-овқат маҳсулотлари, қурилиш ма-териаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, фарма-цевтика, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, кимё ва нефть-кимё саноа-ти соҳаларига хорийий ин-вестицияларни қўллаб жалб этилаёпти. Ҳозирги пайда хорийий сармояларнинг 28,2 фоизи енгил саноат, 24,2 фоизи озик-овқат, 7,4 фоизи қишлоқ хўжалик маҳ-сулотлари, 8,1 фоизи қури-лиш материаллари ишлаб чиқариш, 3,7 фоизи нефть-кимё саноати соҳаларига киритилляпти.

Кулай инвестиция муҳи-ти, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун турли хил хом ашёлар, салоҳият-ли ишчи кучининг етарли эканлиги, ривожланган инфраструктура каби омил-лар хорийий сармоядорлар-ни қизиқтириб, вилоятимиз инвестиция салоҳияти бар-қарор юксалиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Кейинги бир йилда ша-ҳар ва қишлоқларимизда 51 хорийий инвестицияли 51 та янги корхона барпо этилди. Эндилда рўйхатдан ўтган қувватлар 432 тага етди. Улар Буюк Британия, Тур-кия, Россия, Корея, АҚШ, Германия, Хитой, Швейца-рия ва бошқа давлатларда-ги ҳамкорлар билан бирга...

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА ТУРИЗМ СОҲИСИ УЧУН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАШИЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТҚИЗИЛДИ.

Туризм аниқлаштириш, тармоқ имкониятларини кенгайтириш орқали юртимизга ташриф сонаётини ошириш, хорий туризм тажрибасини ўрганиш, олий ўқув юр-тулари ва коллеж бит-рувчиларини иш билан таъминлаш, соҳада янги иш ўринларини ташкил қилиш масалалари ат-рофида муҳокама қи-линди. "Туркистон-пресс".

АНЖУМАН ТУРИЗМИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТАРМОҚ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ СОНИЁТИНИ ОШИРИШ, ХОРИЙ ТУРИЗМ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮР-ТУЛАРИ ВА КОЛЛЕЖ БИТУ-РВУЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, СОҲАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ АТ-РОФИДА МУҲОКАМА ҚИ-ЛИНДИ. "Туркистон-пресс".

АНЖУМАН ТУРИЗМИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТАРМОҚ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ СОНИЁТИНИ ОШИРИШ, ХОРИЙ ТУРИЗМ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮР-ТУЛАРИ ВА КОЛЛЕЖ БИТУ-РВУЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, СОҲАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ АТ-РОФИДА МУҲОКАМА ҚИ-ЛИНДИ. "Туркистон-пресс".

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

АНЖУМАН ТУРИЗМИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТАРМОҚ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ СОНИЁТИНИ ОШИРИШ, ХОРИЙ ТУРИЗМ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮР-ТУЛАРИ ВА КОЛЛЕЖ БИТУ-РВУЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, СОҲАДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ АТ-РОФИДА МУҲОКАМА ҚИ-ЛИНДИ. "Туркистон-пресс".

ТИЖОРAT БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ УЧУН МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" (Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда), "Микроолиялаш тўғрисида"ги (Ўзбеки-

стон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-модда) қонунига мувофиқ, тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар ташкил этиш учун микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, шунингдек, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантириш ҳамда ихчам иссиқхоналар қуриш учун микрокредитлар бериш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланган тавсиянома ва микрокредит олувчи шахсий ёрдамчи хўжалик юртувчи жисмоний шахсда томоқча уюшмаси маъжудлиги ҳамда унинг майдони кўрсатилган маълумотнома.

2. Шахсий ёрдамчи хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар миқдори энг кам иш ҳақининг 100 барабаригачани ташкил этади. 3. Ушбу микрокредитлар шартнома асосида қайтариш муддатини ўзайтириш ҳуқуқисиз.

4. Шахсий ёрдамчи хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оилавий хўжалик тушунилади.

5. Микрокредитлар қарз олувчунинг сўраб берилган қарз суммасига қараб белгиланган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган ариза банкка келиб тушган кундан босида, тижорат банки филиали кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича қарор қабул қилиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги лозим.

6. Шахсий ёрдамчи хўжалик юртувчи жисмоний шахс маъруз Ниҳомнинг 7-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатларни топиришда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши ҳамда ундан нусха тақдим этади.

4. Иштиъели давр ўрнатилган ҳолда берилган кредитлар бўйича асосий қарзни тўлаш имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади. Иштиъели даврда кредит бўйича фойзалар ҳисобланади ва ундирилади. Бунда фойзалар қарз олувчига кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб берилади ва ҳар ойда бир марта ундирилади.

8. Шахсий ёрдамчи хўжалик юртувчи жисмоний шахс маъруз Ниҳомнинг 7-бандида назарда тутилган тегишли ҳужжатларни топиришда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши ҳамда ундан нусха тақдим этади.

9. Қарз олувчилар микрокредитлар қайтарилишининг таъминоти сифатида тижорат банки филиалига қўйдаги таъминот турларидан бирини тақдим этишлари лозим: мол-мулк гарови; банк ёки суғурта компаниясининг кафолати; учинчи шахс кафилиги; қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтармаслик ҳатарининг банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисида суғурта полиси.

10. Кредитнинг таъминоти сифатида мол-мулк гарови бўйича тузиладиган шартномалар қонунда назарда тутилган ҳолларда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

11. Кафилик банк фойдасига кафили ва қарз олувчи ўртасида ёзма шаклда 3 (уч) нусхада тузиладиган кафилик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охириг бетида кафили ва қарз олувчи имзolariдан кафилик қабул қилинганлиги тўғрисида тижорат банк филиали бoshқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилиди.

12. Микрокредит сўраб, маъруз Ниҳомнинг 7-бандида белгиланган барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган ариза банкка келиб тушган кундан босида, тижорат банки филиали кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича қарор қабул қилиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги лозим.

13. Тижорат банки филиалининг кредит қўмитаси қарори микрокредитлар бериш ёки бермаслик учун асос бўлиб ҳисобланади.

14. Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, тижорат банк аризашига бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

15. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг микрокредит бериш тўғрисидаги ижобий қарори қабул қилинган тақдирда, қарз олувчи билан кредит шартномаси тузилиши ҳамда ушбу Ниҳомнинг 9-бандида назарда тутилган қарз, кредитнинг таъминоти сифатида қарз олувчи томонидан тақдим этилаётган таъминот турларидан бири қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим.

16. Тижорат банки ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кредит шартно-

17. Кредит шартномаси тузилиб, кредитнинг таъминоти оид ҳужжатлар тўлик расмийлаштириб бўлинган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда тижорат банки томонидан қарз олувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сууда ҳисобварағи очилади.

18. Микрокредитлар қарз олувчининг сууда ҳисобварағидан унинг тўлов топириқномасига асосан, кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

19. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган микрокредитлар ҳисоби 14900-сонли "Жисмоний шахсларга берилган узақ муддатли кредитлар" баланс ҳисобварағларида қўриқлади.

20. Шахсий ёрдамчи хўжалик юртувчи жисмоний шахс томонидан микрокредит ҳамда унга ҳисобланган фойзаларни тўлаш тижорат банк кассасига нақд пул топириши ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш ёхуд банк пластик қарточкалари орқали амалга оширилади.

21. Тижорат банклари томонидан микрокредитдан фойдаланишининг бунун муддати давомида маҳалла, қишлоқ, овул фўқаролар йиғини Кенгашининг масўул ҳодими иштирокида микрокредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланилганлигини аниқлаш бўйича бевосита жойига қиқиб, доимий мониторинг ўтказилади.

22. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда, тижорат банки кредит шартномасида белгиланган тартибда кредитнинг мақсадга номувофиқ иштиилган қисминини қарз олувчидан муддатидан илгари ундириб олиш ҳуқуқига эга.

23. Микрокредит бўйича қарздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фойзалар ундирилади.

24. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, тижорат банки ундирувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда микрокредитнинг қайтарилиши таъминоти сифатида тақдим этилган таъминот шаклига қаратади.

25. Ушбу Ниҳом қондаларини бузу-ганликда айбдор шахслар қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда жа-вобгар бўлади.

IV. Яқуний қоида

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бoshқаруви томонидан 2012 йил 10 мартда тасдиқланган маъруз Ниҳом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 20 март куну рўйхатдан ўтказилиб, 2012 йил 30 мартдан қучга кирди).

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бoshқаруви томонидан 2012 йил 10 мартда тасдиқланган маъруз Ниҳом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 20 март куну рўйхатдан ўтказилиб, 2012 йил 30 мартдан қучга кирди).

НУТҚ МАДАНИЯТИ... У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?!

Нутқ маданияти инсон маънавиятининг бир қисми бўлиб, фикрни адабий тил меъёрларига мувофиқ тўғри, эркин, мантиқан, ишчил ва таъсирли баён қилишдир. Тил мустикалличисиз мустакил давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис тилимиз жозибаси, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Нутқ маданиятининг яна бир жиҳати шуки, фикрни озгаки ёки ёзма инфодалаш-да, албатта, мантиқий ишчил-ликка риоя қилишдир. Ифо-дали ва ёқимли сўзлаш учун тил бойликларидан мазмун-га мос сўзни танлай олиш қобилиятини юксалтириш зарур.

Муомала маданиятидан эмас, балки тил маданиятининг миллий иштиқлоқ гоялари билан йўғрилган шахсларидан фойдалан-моқлари зарур.

Собиқ совет тусузида ҳуқуқ-тартибот идораларинида аксарият ҳодимларнинг нутқидида "каматаман", "йўқо-таман", "уруғ-аймоғинг билан кўпплаб қўпол сўзларнинг қўлланилиши ҳуқуқ-тарти-бот идораларининг фақат жазолловчи орган бўлганли-гидан далолат беради. Мустақиллик эса ҳуқуқ мада-ниятининг таркибий қисми бўлган нутқ маданияти, му-омала маданиятига ҳам ало-ҳида эътибор беришни та-

лаб этмоқда. Чунки, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодим-лари давлатнинг рамзидир. Уларнинг муомала мадани-яти юқори даражада бўли-ши шарт.

Айниқса, ҳуқуқшуноснинг ўзи мохир нотик, нутқи ман-тиқли ва таъсирли бўлмоғи лозим. Шу боис бўлажақ юристларнинг нутқ мадания-тини такомиллаштириш учун, аввало, снёсий мавзуларда эркин ишчолар ёздириниш (масалан, "Мустақиллик - ҳуқуқ демокдир", "Хавфсиз-ликка таҳдид нима?", "Тероризм - офат", "Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият" ва х.к.), кичик матнлар ма-зуминини кенгайтириб ёзиш, матнни исллоҳлаш каби

машқларни қўллаш мақсад-га мувофиқдир. Бундай машқлар биринчидан, тала-банинг фикрлаш қобилияти-ни ўстиришига ёрдам бeрс-а, иккинчидан, унинг сўз тан-лаш, мантиқий ишчил жулма-ла ва матнлар тузиш малақаси-ни такомиллаштиради.

Бундан ташқари, Ўзе-бекистон Республикаси Конс-титўцияси, кодекс ва қонун моддалари мазмунини кен-гайтириб ёзиш, ҳар бир модда ўзасидан мулоҳаза, изоҳ, шарҳлар тузиш машқ-лари ўтказиш бўлажақ юристларнинг саводхон бўлиб етишувиға ёрдам бeра-ди.


ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА

РЎЗФОРЛАРИ БУТ

Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоғининг ўзида 2678 хонадоннинг 178,2 гектар томорқа ери бор. Аксарият хонадон эгалари томорқаларидан самерали фойдаланишяпти. Утган йили 57,8 гектар ердан 360 тонна сабзавот, 36,8 гектар мева-

1930 бош қорамол, шундан 870 бош сизир, 1170 бош эчки, қўй, 28 та йилки ва 22 минг 800 та товуқ ҳам оилаларнинг қор-хайрига ярапти.

– Кузда 31 минг 150 туп ўрик, шатоли, беҳи кўчатларини ўтказдик. Бу йил 2000 туп мевали дарахт ва тоқ ўтказишни режалаштирганмиз, – дейди Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси вазифини ба- жарувчи Адхамбек Усмонов. – Томорқаларидан тадбиркорлик билан фойдаланиб, рўзгорларини тўқин-сочин қиланган, шу билан бирга



ли боғдан 82,6 тонна олма, ўрик, беҳи, 9,4 гектардаги тоқзордан 40 тонна узум, шунингдек, 102 тонна картошка олинди, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларига яратилди, бозорга олиб чиқиб сотилди.

кўни-кўшни ва маҳалладошларига ҳам беминанат ердами тегаётган 1215 та ибратли хонадонларимиз бор.

Раис алоҳида таърифни келтирган Раҳматилла Урмоновнинг томорқасида бўлди. Суҳбатини тинглаб, тадбиркорлиғига тан бердик.

– Ризқимизга яраша озгина еримиз бор, – хикоя қилади томорқа эгаси. – Асосан мевали дарахт кўчатлари етиштирармиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Мен азалдан ўй хайвонларимизга паррандага қизиқиб келганман. Уларни парваришлов ва кўпайтиришининг усулларини яхши ўзлаштирганман. Ҳозирги кунда 2000 та жўжани сотувга тайёрлаб қўйганмиз.

Равшан РУСТАМОВ,
Даврон АҲМАД
олган сурат.

БИР ҚАРИЧ ҲАМ
БЎШ ЕР ҚОЛМАЙДИ

Бугунги кунда 20 та хонадонда Хитой технологияси асосида иссиқхона қурилиши жадал давом этапти. Эндиликда Қорахитой ва Озодлик қишлоқлари ҳамда "Янги ҳаёт", "Галлақудуқ" ва "Қўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинларининг томорқа ерларидан бир йилда 3-4 мартага ҳосил олиш борасидаги тажрибалари ҳам кенг оммалаштирилмоқда.

– Айниқса, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга томорқаларидан фойдаланишлари амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биринчи гада уларга микрокредитлар ажратиш талаблари ўрганилиб, 64 та шундай хонадон рўйхатга олинди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Ғуломожон Умбатов. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг (Давоми. Боши 1-бетда).

томорқа ерларини тайёрлаш, экин экиш, парвартиш қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари бошчилигида 300 нафар ёшлардан иборат гуруҳлар тўзилиб, улар аллақачон ишни бошлаб юборганлар.

Кам таъминланган оилалардан 200 тасига 4 мингга жўжа тарқатиш режалаштирилган эди. Ҳозирга улардан 54 таси жўжа боқиш истагини билдириб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди. "Парранда ба- рака", "Улкан агроинвест", "Дада Юсуф", "Ақоид парранда" масъулияти чекланган жамиятлар уларга ҳомилий килмоқда.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбирлари.

ДИЛ СЎЗИ

Ёшим 72 да, нафақадаман. Утган ҳар бир кунимга, бағунги тўқин ва фаровон ҳаётни кўриш насиб этгани шукр қилиб яшапман. Айниқса, кексайган чонингда гажжўрлик кўрсатилса, кўнглим тоғдай кўтарилади.

КУШМУОМАЛАДАН
КЎНГЛИМ
КЎВОНДИ

Яқинда туманимиздаги бир қатор банкларга қиришимга тўғри келди. Бироз йиғиб-терганимни омонат сифатида қўймоқчи эдим. «Инфин банк»нинг туман филиалида кўрсатилган хизматдан жуда мамнун бўлдим.

Авалло раҳбар ва ходимларнинг кушмуомалиги, миҳозга бефарқ эмаслиқларидан қувондим. Раҳбар Уткир Шомуродов мени кунт билан тинглади, маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатди. Омонат турлари, унинг қўлайлик жиҳатлари, муддатлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумот берди.

Ходимлар ҳам вазифаларини садоқат билан бажаришяпти.

Демак, раҳбар ўз ҳулқ-атвори билан уларга ўрнатилган қўлайликларни, миҳозга бефарқ эмаслиги, банк миҳоз учун ишлаганига амин бўлдим.

Аслида, истиқлол берган неъмат бу. Шуқрки, у бизга инсоний кадр-қимматимизни, бир сўз билан айтганда узлгимизни қайтарди. Му- стақил диёримизда «Инфин банк» каби банклар сафи янада кенгайсин.

Исмомил АБДУЛЛАЕВ,
Қибрай тумани.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

БОЛДАН ШИРИН
ФАРЗАНДИМ

"Бол ширин, болдан бола ширин" дейди доно халқимиз. Бу бежиз эмас. У шундайин бебаҳо неъматки, кўнгиллари яшнатгани, ҳаётимизга қувонч, завқ-

Дарҳақиқат, ота-она фарзанди учун жон фидо қилишига шай. Унинг камол, бахту саодатини, ёруғ келажagini таъминлашга, у билан дилдош бўлишига ҳаракат қилади. Бирок, шундай вақтлар бўларканки, она фарзанди нима деяр- тганини тушунам экан.

– Бундай ҳоллар кўп- кунча ёш оналарда бўлади, – дейди суҳбатдошимиз бо- ладан шифокори, вилотат соғлиқни сақлаш бошқар- маси мутахассиси Бурхо- ниддин Расулов. – Айрим- лар ҳали оила қуришга тайёр бўлмаётган турмушга чиқадилар, бу эса фар- зандини вояга етказишда ҳам ўзи тасвири кўрсата- ди. Негаки, янги туғилган гўдакка алоҳида эътибор, вақт ажратиш лозим. Бу пайтда бола аъзолари зўр бериб ўсаётган, ривожланаётган бўлади. Боланинг ақлий ва jisмоний ривож- ланиши ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Она доимо синчков, эчкил ва қузатув- чан бўлса, фарзандидagi ўзаршиларини кўриши, уни тушуниши мумкин.

– Бир савол мени кўп ўйлантиради. Нега гў- дақнинг илк йиғисси, одатдагида бошқачароқ, у чинқириб юборади?

– Саволнингизга бола мус- тақил бўла бошлайди, дея изоҳ бериш мумкин. Яъни, у илк чинқириб юборганида, ўпкаси ростланади ва мустақил нафас ола бош- лаيدди, қон айланиши ўза- радан, озакирлашувчи мо- далар ҳамда ксилороднинг она танасидан йўлдош ор- қали ўтиши тўхтайдди.

Аслида, чақалоқ бирин- чи чинқирдикдан кейин бир- марта ўтиб, дақиқасига 40-60 марта нафас ола бошлай- ди. Унинг юрак қон-томир тизими ҳали тўла такомил- лашмаган бўлади ва томир уриши дақиқасига 120-140 тага етади. Бола чинқириб йиғилганда ва эмаётганда кўрсаткич 160-200 га кўта- рилади.

Кўпгина оналар "болам еганини қайт қилаяпти" деб таъвишланадилар. Ле- кин бу кўрқинчилик эмас. Чақалоқ ҳаётининг дастлаб- ки кунлари тулук кам ажра- лиди, қизилўнғачи 10 сан- тиметрга яқин бўлади. Мус- қуллари суст ривожланган, даярли горизонтал жой- лашган бўлиб, меъда билан кенг туташади. Буларнинг ҳаммаси сунтинг меъдадан қизилўнғачга осон қайтиб келишига ёрдам беради. Шу сабабли чақалоқда бот- бот, оз-оздан қайт қилиш ҳоллари учраб туради. Бун- дан ташқари, бола эмаётиб ҳавони ютиб юборади ва сунти чикариб ташлайди.

– Халқимиз боланон. Ҳали ёшга етиб улгур- маган гўдак билан тил- лашгимиз келади. Баъзи- да эса тезроқ эмақла-

шавқ олиб киради. Фарзанди- миз дунёга келиши билан орзу ўйларимиз, тилак-истакларимиз ўзгаради. Энди биз мақсад сари дадил интила бошлаймиз.

мумкин. Буни белгиланган муддатда, босқичма-босқич қилиш керак. Гўдақлик дав- рида аъзолар ва тана ти- зимлари зўр бериб ривож- ланади. Шу сабабли бола танасининг озиқ моддалар- га бўлган эҳтиёжини ортади. Болани бир ёшга еттунига қадар она сунти билан бо- қиш керак. Табиий сунт гўдақнинг ҳазм қилиш ва моддалар алмашинуви ҳу- суслиятларига мослашган. Унда боланинг тўри ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма озиқ модда- лар – оқсил, ёғ, углевод, туз, сув, витаминлар бор. Шунинг учун ҳам сунт жаж- жи организмга тўла-тўқис сингади. Шунингдек, кўкрак сунти орқали онадан бола та- насига барча химоя модда- лари ўтади. Улар болани дастлабки ойларида баъзи инфекцияли касалликлардан сақлайди. Соғлом оналар- да бир кунда 1-2,5 литр сунт ажралиб чиқадилар. Сунти кам оналар эса шифокор билан маслаҳатлашиб, донорлар сунти ёки сунтли омухта бе- ришлари мумкин. Болага мева, резавор-мева ва саб- завот шарбатлари фойдала- ни. У зарур витамин ва ми- нераларни шу шарбатлардан олади. Олма, саёзи, помидор, қора смородина, олча, малина, ўрикда витаминлар жуда кўп.

– Айтинчи, бола кел- жақда қандай инсон бўлиб вояга етиши учун гўдақликда нималарга эътибор бериш лозим?

– Энг аввало болада ба- дантарбия қилиш кўникма- ларини шакллантириш ло- зим. Ёшига мувофиқ маш- қлар танланса, у jisмоний ва ақлий ривожланади, кўпгина касалликларнинг олди олинади. Жараён яна- да такомиллаштирилса, юрак-томир тизими, нафас аъзолари ривожланиши ях- шиланади. Машгулотларни мунтазам ва маълум бир вақтда ўтказиш зарур. Чи- никтириш болада ташки муҳитнинг нуқулай шаро- итларида мослашиши қо- билятини мустаҳкамлайди. Кўёш нури, сув, соф ҳаво – чиниктиришнинг асосий омиллари. Боланинг кун тартиби қатъий бўлиши, бир вақтда ухлаши, уйго- ниши, овқatlanishi, сайр қилиши керак. Бу тарбия- ни енгиллаштирибгина қолмай, тартиб-интизомга ҳам ўргатади. Тартибга қатъий риоя қилиш бола ва катталар ўртасидаги келиш- мовчиликларга барҳам бера- ди.

– Шундай оналар ҳам борки, ўқиб, иш юмуш- лари туйғайли болани вақтида овқatlanтирмай- дилар. Айримлар эса суний бўтқалар билан вазиетдан чиқадилар.

– Болани табиий, ара- лаш, суний овқatlanтириш Умрининг 32 йилини болалар саломатлигини ас- рашдек масъулиятли касбга бағишлаган шифокор Бур- хониддин Расулов яна бир хайрли ишга қўл урди. Яқинда унинг оналикка тайёрланаётган қизлар ҳамда аёл ва ёш оналар учун "Гўдак парвариши" номли тўпла- мни нашр қилди. Унда гўдак парвариши ҳусусидаги маълумотлар мужассам.

Ирода НОРБОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Жамият тараққиётининг барқарорлигини таъмин- лаш мақсадида экологини, Она табииати асраш сунт-ҳаракатлари кенг қўламада олиб борилаётганлиги бежиз эмас. Қурран заминимиз турли бало- қазолар ҳуружидан озорланиб, кўп жойлар гиёҳ унмайдиған чўлу биёбонга, жонсиз тупроққа айлан- би қолаётганидан хабаримиз бор. Умумашарий қадриятларга нописандлик билан қарашининг оир

МАКОНИМИЗ БАРҚАРОР БЎЛСИН!

Кўлимизда чинозлик жур- налист, ёзувчи Абдужалол Раҳи- мовнинг "Ломакон" аталмиш илмий-фантастик хиссаси. "Ломакон" – маконсиз бўшлиқ, – дейилади китоб сўзбошида. – Одамзот ўзи яшаб турган заминга жонли нафас олаётган моддийликдек ҳурмат билан муносабатда бўлмаса охирикитоб маконсиз бўшлиққа қолиши мумкин..."

Муаллим асарини "Ломакон" дея атар экан, китобнинг унинг номиданок, воқеа-ҳодисалар қонининг аллақайси пучмоқла- рида рўй бераётганини хис эта- ди. Қисса воқеалари "Зумрад" китоб кемаши аъзоларидан бири, Ифтихор исми журналист, руҳ- шон тилидан баён этилади. "Орзуга айб йўқ" дейишади. Инсон зақосининг махсули бўлиши қонот кемашини ясаб, фазода кезиб юрган юртдошимизга ҳавас қилмай йиқиб ўй- шоя, шундай қуллар келишига шуҳба йўқ. Аммо, гап бунда эмас. Тараққиётнинг кўза қамаш-

оқибатлари жаҳон афкор оммасини ҳамон ташвиш- га солиб келмоқда. Аммо, тараққиётнинг учқур қанотлари булар ҳақида ўйлаб ўтиришга фурсат бераётганек. Шундай кезларда келгусида қутаётган воқеа-ҳодисалар, кечмишлар акс этирилган асар- лар, хоҳ у телевидение, радио ёки бадий асарда бўлсин, кўзининг очгандек, бир муддат "тўхта!" дея ҳайқираётганек бўлади.

МАКОНИМИЗ БАРҚАРОР БЎЛСИН!

тирувчи ёруғ нурлари баъзан нафақат инсонга, балки у яшаётган маконга ҳам акс таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолатни қонотдаги номаълум сайёр- рада юз берган ағҷли воқеа- лар билан изоҳлаш мумкин: "Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!" Сайёримизда ҳаёт ҳавф остида. Табиат ва одамлар "ЭҲИО" моддаси таъсирида заҳарланган. Ёрдам беринг! Ёрдам беринг!" Асар қаҳрамонларидан про- фессор Бадван ва профессор Танзимнинг изоҳлашларича, "ЭҲИО" – кенг таъсирли анти- биотик, биоген стимулятор. Та- нанинг ҳар қандай касаллиққа қарши қураиши қобилиятини қучайтиради. Унинг таъсирида танадаги ёмон сифатли шиш- лар даволанади.

Кейинчалик бу модда қишлоқ ҳўжалигида, саноатда ноўрин, қерағидан ортиқ фойдаланил- ди...

Эътибор беринг: ноўрин. Яъни, табиатдан узоклашиб ҳисобига. Натихада яшил олам ҳалоқатга ураган. Қисқаси, асар қаҳрамонла- ри, номаълум сайёраларига ёрдам бераётган ўзбек фазо- гирларининг лаёқати, қатъияти китобхонга фажр-ғурур туйғула- рини бағишлайди. Шу билан бирга, заминимизда рўй бераётган ўзгаришлар, табиий офатлар ҳам бежиз эмаслиги ҳақидаги фикр эйраб китобхон шурўрини эгаллаши, оғоҳликқа қоралиши ҳам бор гап. Халқи- мизда: "Емолиқнинг олдини олиш учун уни англаб етиши керак, шунда яқшиликнинг қад- рига етасан", деган гап бор. Шу маънода "Ломакон"даги во- қеалар ҳар бир юртдошимизга сабоқ бўлиши, Она маконимиз- га, тирик табиатга меҳр қуйиб, уни ардоқлаш, эҳтиёблик ло- зимлигини ўқитириши аниқ.

Шунингдек, китобга киритил- ган "Сенсан севарин", "Муҳаб- бат тонгида" номли ҳикояла- ри ҳам ҳаёт сабоқлари, ода- мийлик шевалари, инсоний фа- зилатлардан сўзлайди. Уларда

табиат ва инсон бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳилқат экан- лигига ишора бордек.

Ҳар ҳолда муҳлисини қизи- қтирадиган жиҳатлар анчагина. Ер сайёрасидаги наботат, ҳай- вонот олами ҳақидаги қизиқар- ли маълумотлар, турли қимб- виб, биологик атамаларнинг қўлланилиши муаллим фикр доирасининг нечоғлик кенгли- гидан дарак.

Хуллас, Абдужалол Раҳимов- нинг илмий-фантастик асар ёзишдек мураккаб вазифани ба- жарилгандаги журъдини фажат қу- рлаш мумкин. Еро, ҳаётдаги ҳар қандай усунринг мусоабат ман- фиий жиҳатлари бўлади. Гап бу усунурларни муносиблик меъзо- нига қўя оlish. Табиийлик би- лан сунийлик ҳам ўз ўрнида қўлланилса, посонги тўри тур- са, албатта, маконимиз сому- кенга айланмайди. Бу энди сизга бизга боғлиқ, азиз замондаш!

Сайёр РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик
аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2012 йил 20 апрель кўни соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич оқиби бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Янгийўл туман Суд ижрочилиари бўлими томонидан Тошкент вилотат Ҳўжалик сундининг 2011 йил 22 августдаги 11-1125/11183-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошлангич нархи – 500 000 000 сўм бўлган "AKROMJON AGROLYUKS" ХКга тегишли, Тошкент вилоти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Дўстлик ДФХУда жойлашган, умумий майдони 3 252 м.кв., жами фойдаланиш майдони 903,83 м.кв. бўлган "Чорвачилик фермаси" бино ва иншоотлари савдога қўйилган.

Ушбу кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилиари бўлими вакиллари иштирокчида бевосита жойига чиқиб тани- шиш мумкин. Аукцион савдосида ишти- рок этиш учун талабгорлардан аризалар- ни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 тўхташилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш иста- гига бўлган талабгорлар объект бошлан- гич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлма- га муқдордаги зақалат пулини тўлов ҳуж- жатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳи- да тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйи- даги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳ- ри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 250-19-24. Лицензия: RR-0017.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қуйидаги
НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАЛЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Зангиота туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Қибрай туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Юқори Чирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Янгийўл туман 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Оҳангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топишганлиги тўғрисида Малака комис- сиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топишган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топишганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвифомта. Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олиий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича қандам ушбу йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топишган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2012 йил 26 апрель кўнига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

